МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 26 июль,
№62 (1029)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

## Р.Ирматовни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳакми, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 25 июль

## Ватанни шарафлаш саодати



***2014 йилнинг 12 июнь-13 июль кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов иштирок этиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шуҳратини янада юксалтиришга, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўшди.***

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган ҳамюртларимиз эл-юртимиз ардоғида бўлиб, улар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 25 июлдаги фармонига мувофиқ халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳакми, ФИФА рефериси Равшан Эрматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида 25 июль куни халқаро тоифадаги ҳакамни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ФИФА рефериси Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳамда Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобили тантанали равишда топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида тарихий адолат тикланди, халқимизнинг асрий орзуси — озодлиги, эркинлиги ўз қўлига ўтди, тинч-осойишта, фаровон ҳаёт кечириш, бугунидан мамнун бўлиб яшашига имкон яратилди, эртанги кунига ишончи мустаҳкамланди.

> [2]

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ




## Замонавий ва кўркам бино қутлуғ тўйига тўёна

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида Олтинкўл туманининг Жалабек қишлоғидаги «Далварзин» маҳалласида замонавий гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳудуддаги намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган 50 та якка тартибдаги уй-жойга узукка кўз қўйгандек ярашган ушбу гузарни кўриб дил яйрайди. Идора йиғин аҳли учун энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб туҳфа бўлди.***

**Нурилло НЎЪМОНОВ.**
**Андижон вилояти.**

Айтиш жоизки, жорий йилда Андижон вилоятидаги 31 та масивда намунавий лойиҳалар асосида 977 та уй-жой бунёд этилиши режалаштирилган. Уларни истиқлолимизнинг қутлуғ тўйига тўёна сифатида ўз эгаларига топшириш учун қизғин ҳаракат бормоқда. Айниқса, «Ихтисослашган Шаҳрихон қурилиш», «Яхшилик сари», «Элита строй», «Баркамол қурилиш саноат», «Нодир ЛТД» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этган тураржойлар замонавийлиги, кўркамлиги билан барчанинг ҳавасини келтиряпти.

> [2]

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

## Лойиҳа марказида ишбилармон аёллар




***Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида Европа Иттифоқининг «Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» лойиҳаси доирасида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Ахборот ойналарининг расмий очилиш маросими ўтказилди.***

**Элёр БОЙМИРЗАЕВ.**

Унда Хотин-қизлар қўмитаси, «Микрокредитбанк» ОАТБ, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Европа Иттифоқининг юртимиздаги ваколатхонаси ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги мавжуд 1042 хонадонда 10800 нафар аҳоли истиқомат қилаётир. Ишга яроқли хотин-қизлар сони 620 нафарни ташкил этади. Улардан 31 нафари тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. 313 нафар уй бекаси фарзанд тарбияси билан машғул. Йиғин қошида фаолияти йўлга қўйилган Ахборот ойнасида бир йил давомида камида 105 нафар ишсиз аёл ва ёшлар тадбиркорлик бўйича ўқув дастурларига жалб этилади. Уларнинг камида 24 нафарига кам фоизли микрокредитлар олиш ва ўз бизнесларини бошлаши учун амалий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

> [3]

МУНОСАБАТ

## Файзиёб кунлардан кўнгиллар масрур

***Рамазон ойи жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос қадриабад фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ойда қилинадиган ҳар қандай яхшилик ва эзгу ишларда ўзгача маъно ва тароват борлиги муқаддас динимиз таълимотларида ўз аксини топган.***

**Абдуқаҳҳор ЮНУСОВ,**
**Чилонзор туманидаги «Собитхон ҳожи» жоме масжиди имом-хатиби.**



Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 23 июлдаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида ушбу фазилатли айём умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши юртимизда муқаддас динимизга берилаётган эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ, яъни 1992 йили Юртбошимизнинг фармонлари асосида муборак Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни, деб эълон қилинди. Бу ўз тақдирини эндигина ўзи белгилай бошлаган мустақил давлат учун катта жасорат эди.

> [2]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

## Илғор тажриба ўрганилиши ва оммалаштирилиши зарур

***Ёзги таътилга чиққан болалар саратоннинг иссиқ тафтидан қочиб, ўзларини сўлим ва соя-салқин жойларга урадилар. Айниқса, бу борада қишлоқ болаларининг олдига тушадигани йўқ.***

**Мунаввар АЛЛАЕВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими мутахассиси.**

Улар кенг даланинг тоза ҳавоси, ўйноқлаб оқиб турган анҳори, осуда ва хушманзара табиат бағрида дам олиш гаштини суришади. Ва шаҳарлик болаларнинг ҳам ҳавасини келтириб, ёзги таътилни шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ўтказишга ундайди.

Бухоро шаҳри «Шайхул олам» маҳалласидаги 427 нафар вояга етмаган ўғил-қизнинг 53 нафари айни кунларда шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқда. Яна 100 нафарга яқин болажон эса таътилни қишлоқдаги бобо-бувилари, яқин қариндошлари даврасида ўтказишни ихтиёр этишган. Йиғиндаги қолган 300 нафарга яқин ўғил-қизнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш масаласи ҳам ҳал этилди.

> [4]

## Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг расмий веб-сайти такомиллаштирилди

***Глобаллашув жараёни жадал суръатларда давом этаётган айни пайтда мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони тобора ортиб боряпти.***




Бугун 10 миллион нафардан зиёд фуқаро бевосита ушбу тармоқ орқали юртимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, бунёдкорлик ишларидан хабардор бўлаётир. Давлат аҳамиятига молик янгиликлар, юртимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига оид хабарларни кенг жамоатчиликка етказишда ҳам ушбу тармоқ муҳим аҳамиятга эга.

2013 йилнинг август ойидан бошлаб интернет тармоғида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг www.mahallafond.uz расмий веб-сайти ишга туширилди. Ушбу сайтда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига, Фонд ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид энг сўнгги янгиликлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида мунтазам бериб борилмоқда.

Шунингдек, ўқувчилар сайт орқали тизимга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, туркум мақолалар, фотогалерея билан танишишлари мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчи сайтда ёритилаётган мақолаларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имкониятга эга. Ҳуқуқшунос ҳамда мутахассислар томонидан соҳага доир саволларга интерфаол усулда батафсил жавоб қайтариляпти. Веб-сайтдан видеолавҳа, ишонч телефонлари ҳам ўрин олган.

Ягона интерфаол давлат хизматлари порталида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг веб-саҳифаси жойлаштирилган бўлиб, у орқали Фонд мутахассислари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари қаноатлантирилмоқда.

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви матбуот хизмати.**

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

## «Олвализор»да оилавий тадбиркорлар кўп

***Эргашвой Охунов Наманган шаҳридаги «Олвализор» маҳалласида истиқомат қилади. Бугун унинг хонадонига кўплаб от ишқибозлари сўраб боришади. Боиси, Э.Охунов ота-боболаридан мерос ҳунар — эгар-жабдуқ ясаш билан шуғулланмоқда. Авваллари бу иш билан ўзи машғул эди.***

**Илҳомжон РАҲМАТОВ,**
**Нурбек АБДУЛЛАЕВ.**
**Наманган вилояти.**

Оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар очилгач, фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Маслаҳат маркази» тавсиялари ва амалий кўмаги билан фаолиятни кенгайтирди. Эндиликда фарзандларини ёнига олиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширди.

«Олвализор»да жорий йилнинг ўтган даврида яна 6 та хонадон соҳиби Э.Охуновга эргашиб оилавий тадбиркорликни танлади. Жумладан, Мўътабар Абдураззоқова чопон тикиш, Боситхон Эшонхонов қандолатчилик йўналишида нафақат оила аъзолари, балки касаначилик асосида ўнга яқин қўни-қўшни, маҳалладошларини ҳам ишли қилди. Эътиборлиси, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларида ҳам айнан йиғин қошидаги маслаҳат марказининг ёрдами катта бўлди.

> [3]

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

# Гуруҳ баҳсларида ғолиблар аниқланди

***Урганч шаҳрида анъанавий «Футболимиз келажаги» кубогининг минтақавий республика босқичи мусобақаси «А» гуруҳи ўйинлари ўтказилди.***

**Ф. КОМРОН.**



Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа маҳаллаларда «миллионлар ўйини»ни ривожлантириш, ёшларни жисмонан соғлом, маънан баркамол қилиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Минтақавий босқич мусобақасининг гуруҳ баҳсларида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг 9-10, 11-12 ёшдаги болалар ва 13-14 ёшдаги ўсмирлар жамоалари ўзаро куч синашди. Урганч Олимпия захиралари коллежи марказий стадионида ўтган баҳслар голларга бой бўлди.

9-10 ёшдаги болалар ўртасида қизғин ва муросасиз кечган ўйинларда 1-ўринни Бухоро шаҳридаги «Афшор» маҳалласи футболчилари қўлга киритди. Урганч шаҳридаги «Юқори боғ» маҳалласи жамоаси 2-, Нукус тумани Умид Саманбой маҳалласи ёш футболчилари 3-ўринни эгаллади.

11-12 ёшдаги болалар ўртасидаги учрашувларда Тўрткўл тумани «Марказобод» маҳалласи футбол жамоасининг қўли баланд келди. Коғон шаҳридаги «Арабхона» ҳамда Урганч шаҳридаги «Янги ҳаёт» маҳаллалари футбол жамоалари қолган ўринлар билан кифояланди.

13-14 ёшдаги ўсмирлар баҳсларида мезбонлар ўз устунликларини намойиш этишди. Яшил майдонда ишончли тўп сурган Урганч тумани Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла футбол жамоаси ғолиблик завқини туйишди. Кейинги ўринларни Пешку тумани «Мустақиллик» ҳамда Нукус тумани Умид Саманбой маҳаллаларининг ёш футболчилари банд этишди.

Пешқадам жамоалар мамлакатимиз пойтахтида ўтадиган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, турли ёш тоифаларида ўтган ўйинлар натижаларига кўра, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ўйинчи», «Энг яхши ҳужумчи» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Илғор тажриба ўрганилиши ва оммалаштирилиши зарур

< [1]

Мавсум арафасида йиғин қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия ташаббуси билан ҳудуддаги 18 та кўп қаватли уй олдида болажонлар учун ўйин майдончалари қурилиб, атрофига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари, ҳомийларни жалб этган ҳолда маҳалла ҳудудида 15 дан зиёд кўнгилочар ўйинлар ўйналадиган мажмуа фойдаланишга топширилди.

— Боланинг бегонаси бўлмайди, — дейди мазкур комиссия раиси Сабоҳат Ҳайдарова. — Ҳудудимиздаги ҳар бир ўғил-қизнинг юриш-туриши, тарбияси, муаммолари, қизиқишлари комиссиямиз томонидан назорат қилиб борилмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан бирга уларнинг муносиб дам олишлари, фан-техника, ҳунар ва спорт тўгаракларида мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароит яратилмоқда.



Дарҳақиқат, 2013 йилда шаҳар ҳокимлигининг 4,5 миллион сўмлик моддий кўмаги ҳамда ҳашар йўли билан маҳаллада футбол, волейбол, баскетбол, югуриш майдончаларидан иборат кўркам мажмуа барпо этилган бўлса, яқинда шу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаро Фурқат Зайниевнинг ёрдами билан яна бир спорт майдончаси қурилди. Ўз навбатида, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳомийлигида ҳудудда сунъий қопламали мини футбол майдончаси барпо этилмоқда.

Албатта, бундай эътибор ўз натижаларини бераётир. Хусусан, «Шайхул олам» маҳалласи ёшлари ўтган йиллар давомида «Футболимиз келажаги» турнирининг турли ёш тоифаларида шаҳар босқичида мунтазам, вилоят босқичида етти марта, республика босқичида эса икки бор ғолибликни қўлга киритган.

— Яқин йилларда ҳудудимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари қайд этилмади, — дейди фуқаролар йиғини раиси Моҳира Тошева. — Бунга Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзоларининг ваколатли давлат органлари, ҳудуд профилактика нозири ва бошқалар кўмагида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, гиёҳвандлик, жиноятчиликка қарши кураш, соғлом муҳитни қарор топтиришга оид тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Айтиш жоизки, вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлими томонидан ҳам турли услубий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бунда илғор фуқаролар йиғинлари тажрибалари ибрат сифатида эътироф этилмоқда. Албатта, бу семинарлар комиссиялар раисларининг ўзаро тажриба алмашинувида қўл келмоқда.




# БМТ: озиқ-овқат ва сув танқис

***БМТнинг инсонпарварлик ёрдами бўйича мувофиқлаштирувчиси Валери Амос яқин орада Ғазо ҳудудидаги аҳоли очликдан азият чекишини маълум қилди.***

Исроил Фаластиннинг дунё билан боғловчи ярмидан кўп ҳудудини қамал қилган. Бунинг оқибатида сув тақчиллиги юзага келган.

Ғазо ҳудудининг назоратига масъул ҲАМАС исломий ҳаракати раҳбари Холид Машаал ҳудудни қамал қилишга нуқта қўйиш бўйича банди бўлмаган ҳар қандай тинчликка оид ташаббус рад этилишини билдирган.

Фаластин соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, Исроил ҳарбийларининг икки ҳафтадан буён давом этаётган амалиёти мобайнида 800 дан зиёд киши қурбон бўлган.

# Самолёт ҳалокатга учради

***Тайванда «TransAsia Airways» компаниясига қарашли самолёт ҳалокатга учраган.***




Компания маълумотига кўра, 48 киши ҳаётдан кўз юмган, 10 нафари жароҳатланган. Самолёт бортида 54 йўловчи ва тўрт нафар экипаж аъзоси бўлган. Лайнер маҳаллий аэропорт яқинида парчаланиши оқибатида ёнғин келиб чиққан, иккита тураржой биноси алангa ичида қолган.

Синоптикларнинг огоҳлантиришига қарамасдан экипаж кучли ёмғир остида Тайбэя аэропортидан учишга қарор қилган. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, кучли шамол туфайли учувчилар самолётни икки марта қўндиришга ҳаракат қилишган.

«TransAsia Airways» компанияси ҳалок бўлганларнинг оилаларига 33 минг АҚШ долларидан, жароҳатланганларга эса 6 минг АҚШ долларидан товон пули тўланишини маълум қилган.

# Кучлар бирлашганда

***Африка қитъасидаги тўрт давлат армияси «Боко Харам» ташкилотига қарши биргаликда курашишини маълум қилган.***



Нигерия, Нигер, Чад ва Камерун давлатлари Нигерия шимолида фаолият олиб бораётган «Боко Харам» радикал ташкилотига қарши курашиш учун бирлашган армия гуруҳи тузишга келишиб олди. Гуруҳга ҳар бир давлатдан 700 нафардан ҳарбий бирлашади.

«Боко Харам»нинг Нигериядаги қурбонлари сони ҳозирда минг кишидан ошган. Бир неча ой муқаддам жангарилар 200 нафардан зиёд мактаб ўқувчиларини ўғирлаб кетганди. Ҳанузгача уларнинг тақдири номаълум.

Ташкилот аъзоларининг таъсири Чад дарёси ҳавзасидаги барча ҳудудларга ёйилмоқда. Шу боис тўрт давлат армияси ташкилотга қарши кучларни бирлаштиришга қарор қилди.

**Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# Соғлом ҳаёт соғлом турмушдан бошланар

***Халқимиз «Саломатлик — туман бойлик», деган пурмаъно ҳикматни бежиз айтмаган. Саломатлик иморати узоқ йиллар бешикаст қад ростлаб туриши учун унинг пойдеворини мустаҳкам қуриш лозим. Шу боис болалар соғлиги борасида ота-оналар, мактабгача таълим муассасалар тарбиячилари, ўқитувчилар ва шифокорлар билан бирга маҳалла-кўй ҳам баробар қайғурмоғи лозим.***

**Сарвар БЕГАЛИЕВ, шифокор.**

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда шахсий гигиена, тўғри ташкил этилган кун тартиби, жисмоний меҳнат билан баҳоли қудрат шуғулланиш, меъёрида овқатланиш, чиниқиш, зарарли иллатлардан тийилишга қаратилган тушунтириш-тарғибот ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Маҳаллаларда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида, аввало, кун тартибини тўғри режалаштириш лозим. Бу инсон организмининг меъёрида ўсиши, ҳордиқ чиқариб, кучга тўлиши, турли хасталикларга қарши иммунитетни шакллантиришида муҳим омилдир.

Тўйиб ухлаш — саломатликнинг муҳим жиҳатларидан бири. Чунки кам уйқу оқибатида марказий асаб тизими ишдан чиқади, организмнинг ҳимоя қуввати кучсизланади, меҳнат қобилияти пасайиб, кайфият тушади. Уйқуга ётишдан олдин тоза ҳавода сайр қилиш, кичик деразаси очиқ хонада ухлаш фойдали. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, соат 10:00 дан 12:00 гача ҳамда 16:00 дан 18:00 гача бўлган вақт ўқувчи-ёшларнинг энг фаол пайти саналиб, бу вақтда мураккаб вазифалар ҳам осонгина бажарилади.

Инсон кучли ва эпчил бўлиши учун жисмоний меҳнат ва спорт билан мунтазам шуғулланиши лозим.

Саломатликнинг асосий омили — тўғри ва меъёрида овқатланиш. Кун давомида тўрт маҳал, 3,5-4 соат оралиғи билан овқатланишга одатланиш лозим. Аммо кўп миқдордаги ёғли таомлардан тийилиб, сут маҳсулотлари, мевалар, сабзавоту кўкатларни истеъмол қилиш зарур. Зотан, ортиқча овқатланиш семизликка, етарлича таом истеъмол қилмаслик эса камқувватликка олиб келади.

Инсон вужудини тоза ҳаво, тиниқ сув, қуёш нури, қору қировларда, шудрингли майсазорларда чиниқтириш кони фойда. Айниқса, қуёш нурида тобланиш, иссиқ қумда ялангоёқ юриш шамоллашнинг олдини олади.

«Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун, аввало, ота-оналар оилада соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши мақсадга мувофиқ.

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»

# Аввало фарзандга ибрат бўлмоқ муҳимроқ



***«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ўтказилаётган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақаларининг Қибрай туман босқичида 7 та жамоа ўзаро беллашди.***

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ «Mahalla»**

— Жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали авлодни вояга етказишда, аввало, ота-она ўз фарзандларига ҳар томонлама ибрат бўлмоғи лозим, — дейди Фонднинг туман бўлинмаси бош мутахассиси Дилором Турсунова. — «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» спорт мусобақалари оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оммавий спортга жалб қилишда қўл келмоқда. Шахмат-шашка, арқон тортиш, югуриш ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказилаётган беллашувлар нафақат оилаларда, балки ҳудудда соғлом муҳитни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Муросасиз баҳслар натижаларига кўра, Май қишлоқ фуқаролар йиғини «Пўлат Қадам» маҳалласидан Бойматовлар оиласи 1-ўринни, Қипчоқ қишлоқ фуқаролар йиғини «Қипчоқ» маҳалласидан Равшановлар оиласи 2-ўринни ҳамда Қибрай шаҳарча фуқаролар йиғини «Янгиобод» маҳалласидан Рўзматовлар оиласи 3-ўринни қўлга киритишди. Ғолиблар Фонднинг туман бўлинмаси ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

БИР ЎЛКАКИ...

# Омонлик манзилига айланган маскан

***Сурхон воҳасининг сўлим Бойсун шаҳридан шарққа томон паст-баланд адирлар оша ўн беш километрга чўзилган асфальт йўл машҳур Омонхона қишлоғига олиб боради.***

**Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»**

Қадим ва навқирон воҳа ўзининг мўъжизакор табиати, шифобахш булоқлари, тарихий ва меъморий ёдгорликлари билан етти иқлимга машҳур. Воҳада Қайнарота, Анжирлиота, Ғўримбулоқ, Хўжамайхона, Хўжаипок, Ойнабулоқ, Қўшчашма, Чашмаи сунбула, Олчабулоқ, Оби ширин каби 300 га яқин шифобахш зилол булоқлар бор. Етти юз йиллик тарихга эга Омонхона қишлоғи чашмаси, сеҳрли ғори, мафтункор дара ва булоқнинг тепасида жойлашган ҳазрат Султон Вали зиёратгоҳи билан асрлар давомида инсонларни ўзига чорлаб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Хўш, Омонхона сўзи қандай маънони англатади? Бу макон нега бундай номланган?

«Омонхона» атамаси икки сўз бирикмасидан иборат. «Омон» — соғ, саломат, эсон, тинч, осойишта мазмунларини билдирса, «хона» сўзи жой, ўрин, манзил, макон, маскан каби тушунчаларни англатади. Қишлоқдаги шифобахш булоқлар, табаррук қадамжолар, синоатга тўла ғорлар мавжудлигидан ҳудуд ана шундай номланган.

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу ерга келиб, кароматли шахс Султон Вали билан суҳбат қурган, у кишини пир, деб тан олган экан. Тарихий манбаларга кўра, Соҳибқирон Султон Валига Омонхона атрофидаги еттита қишлоқни ва жуда кенг даларни хатлаб бериб, у кишининг шарофати билан бу ерда яшовчи аҳолини барча солиқлардан озод қилган. Машҳур ғорнинг баландлиги 3,5 метр бўлиб, умумий майдони 55-60 квадрат метрни ташкил этади. Саратоннинг чилласида ғор ичидаги ҳарорат 5-6 даражадан ошмайди. Қишда эса 20-22 даража илиқ бўлиб туради. Шу туфайли ҳам Омонхона атрофидаги қишлоқ хонадонлари асрлар давомида бу ғордан табиий совиткич сифатида фойдаланган.

Бойсунликлар орасида шундай ривоят бор: Соҳибқирон лашкарлари ҳолдан тойган паллада Омонхона сувидан ичишиб, ана шу салқин ғорда ётишгач, тезда қувватини тиклашган. Том маънода ҳам бу маскан қадимдан аҳолининг саломатлигини тикловчи омонлик манзили бўлган.

Дарвозатош камаридаги баландлиги ўн метрли улкан харсангтош қирраларининг пичоқ билан кесилгандек тўрт тарафи ойна мисол силлиқлигини кўриб ҳайратга тушасиз. Оғирлиги юзлаб тонна келадиган бу улкан тошни тоғ жилғасининг шундоққина қирғоғига қай бир паҳлавон усталик билан ўрнаштирган экан, деб ўйга чўмасиз.

Дарвозатош камаридан сал пастроққа юрсангиз, Ажинатош, деб номланган улкан япалоқ тошга дуч келасиз. Тошнинг устида турли-туман ҳайвонларнинг, бола ва катта ёшдагиларнинг, ҳатто қушларнинг оёқ изларини кўрасиз. Қачонлардир улар ҳали қотиб улгурмаган бу тош устида юрганлару, излари абадий муҳрлангандек. Бу излар қачон пайдо бўлгани номаълум.

— Айтишларича, маълум сонияларда айрим тоғ тошлари ҳамирдек юмшармиш, — дейди Омонхона қишлоқ фаоли Ҳамро Ҳайдаров. — Ўшанда шу тошларда нимаики юрса, оёқ изи муҳрланиб қоларкан. Ўттиз йил давомида тоғ тошларида эчки, бўри, сигир, одам, ҳатто туя изларининг аксини бир неча бор учратганман.

Ёши улуғларнинг ҳикояларини тинглаб, ривоятлар замирида ҳали биз билмаган сирлар кўплигига амин бўласиз.



Омонхона булоғи, Султон Вали Балогардон зиёратгоҳи истиқлол йилларида қайта таъмирланиб, халқимизнинг даволаниш ва дам олиш масканига айлантирилди. Бу ердаги мўъжаз шифохонада дам олувчи ва даволанувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Сурункали гепатит, холицистит (ўт пуфагининг яллиғланиши), ошқозон-ичак касалликлари, қандли диабет, ошқозон ости безининг яллиғланиши, қон босими каби касалликлар шифосини Омонхона булоғидан топасиз.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Ҳамдамов

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Индекс: **100083**

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

Нашр кўрсаткичи: 148
20750 нусхада чоп этилди. Буюртма S-491
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00

# Ватанни шарафлаш саодати

< [1]

Мамлакатимиз дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Зеро, тинчлик-осойишталик, адолат ҳукмрон, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган мамлакатгина қисқа фурсат ичида ана шундай мисли кўрилмаган натижаларга эриша олади.

Президентимиз раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аввало инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўёбига хизмат қилмоқда. Айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бераётир.

Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси тикланди, улар бугунги кунда авлодларнинг тафаккурида, онгу шуурида, хислатларию фазилатларида намоён бўлмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган «Куч — адолатдадир» шиорининг ҳаётимиздан чуқур жой олгани, ҳар қандай шароитда адолат, ҳалоллик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бағрикенглик билан иш тутиш ўзбек ўғлони Равшан Эрматов сиймосида бутун дунёга яна бир бор намоён бўлди.

— Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга чексиз миннатдорлик изҳор этаман. Бундай эътибор ва ғамхўрлик келгусида янада юксак марралар сари рағбатлантиради, — дейди Равшан Эрматов. — Жаҳон чемпионатида биз не-не улуғ алломаю мутафаккирларга бешик бўлган буюк юрт фарзандлари эканимизни, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашни мақсад қилгандик ва бу эзгу мақсадимизга етишганимиздан хурсандмиз. Учрашувларни хатосиз бошқаришимизда халқимиз, миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлисларининг ишончини оқлаш масъулияти бизга катта куч-ғайрат бағишлади.

Бразилияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатини миллиардлаб мухлислар томоша қилди. Улар орасида сайёрамизнинг барча минтақалари вакиллари бор. Улар мусобақани «Ўзбекистонлик ҳакам Равшан Эрматов бошқаради», деган сўзларни турли тилларда эшитди. Демак, улар яна бир карра Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида маълумотга эга бўлди. Иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат ҳамда бошқа соҳаларда дунёга донг таратаётган жонажон Ватанимиз спортнинг энг оммавий тури бўлган футбол соҳасида ҳам жаҳон узра шуҳрат қозонди. Зеро, футбол ўйнаш қанчалар оғир, машаққатли бўлса, унга ҳакамлик қилиш, боз устига жаҳон чемпионати ўйинларига ҳакамлик қилиш, дунёнинг манаман деган жамоаларининг футболчиларини бошқариш, уларнинг ҳар бир ҳаракатига вақтида, бехато, адолатли баҳо бериш — қарор чиқариш шунчалар қийин ва масъулиятлидир. Ана шундай ўта оғир масъулиятни ўзбек ўғлони шараф билан бажаргани ҳаммамизнинг қалбимизни ғурур-ифтихорга тўлдиради.

Энди айтинг, агар юртимиз мустақил бўлмаганида, Президентимиз томонидан спортга, спортчиларга шунчалар эътибор қаратилмаганида бундай ютуқлар бўлармиди?! Тасаввур ҳам қилиб бўлмасди! Бир пайтлар бизга менсимай, паст назар билан қараганлар энди «Ўзбекистон ҳакамлар мактабидан ўрганиш керак», деб ёзмоқда. Демак, тан олишга, эътироф этишга мажбур бўлмоқда. Демак, ҳақиқат, адолат қарор топмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларда ҳакамлик қилиб келаётган Равшан Эрматовнинг Бразилия яшил майдонларида кечган шиддатли ва муросасиз учрашувларни бошқаришдаги юксак маҳорати, адолат принципларига қатъий амал қилиш, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам тезкор ва тўғри қарор қабул қила олиш, футболчиларнинг руҳий ҳолатини яхши тушуниш каби юксак профессионал ва инсоний фазилатлари халқаро спорт жамоатчилиги, мухлислар, мутахассислар томонидан кенг эътироф этилмоқда.



Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли мусобақаларни — 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги жаҳон чемпионати, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йили XXX ёзги Олимпия ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда эса Бразилияда ўтган конфедерациялар кубоги баҳсларини бошқарган.

Унинг 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва жорий йилда Бразилияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этиши ўзбек футболининг, бутун Ўзбекистон спортининг улкан ютуғи бўлди. 2010 йилги мундиалнинг очилиш маросими ва яна тўртта учрашувни аъло даражада бошқариб, дунёнинг манаман деган давлатларига Ўзбекистон спортчиларининг салоҳияти ва қудратини намоён эта олди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 20 июлдаги фармонига мувофиқ ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди.

Р.Эрматов Осиёнинг «Энг яхши ҳакам» номинациясида кетма-кет тўрт маротаба ғолиб бўлган қитъамиздаги биринчи ва ҳозирча ягона футбол ҳакамидир. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда жаҳоннинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этди. Ўзбек фарзандининг дунёнинг тенгсиз ҳаками бўлгани футбол тарихида рекорд сифатида қайд этилган. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни одилона ва юқори савияда бошқариб келаётган ҳамюртимиз 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олди.

Тадбирда ўзбек ҳакамининг бундай юксак муваффақияти мамлакатимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларимизнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар сифатида камолга етиши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ўзбек футболи тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар футболи тубдан ислоҳ қилинди. Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолият кўрсатмоқда, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий футбол стадионлари барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилинмоқда, халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялаш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек футболи катта ютуқларга эришди. Ўтган йиллар давомида ёш футболчиларимиз Мексика, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эрон каби давлатларда ўтказилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида муносиб иштирок этди, Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФАнинг «Fair Play» (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланди.

ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг кетма-кет иккита жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилгани ҳам ана шу эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Бразилия майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида Европадан тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан битта ҳакамлар бригадаси иштирок этди. Равшан Эрматов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари орасида ушбу жаҳон чемпионатига жалб этилган ягона бош ҳакам бўлди.

Нуфузли мусобақада Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси жами тўртта учрашувни — гуруҳ босқичида Швейцария — Эквадор, АҚШ — Германия ва Мексика — Хорватия, чорак финалда Голландия — Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни юқори савияда бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — 9 учрашув бошқариб, дунё рекордини ўрнатди.

— Халқаро майдонларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш, унинг обрўсини юксалтириш катта бахт, — дейди Равшан Эрматов. — Футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси — жаҳон чемпионатида Ўзбекистон номидан қатнашганимиздан фахрланамиз. Халқаро майдондаги бундай муваффақиятимиз замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассамдир.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуруддинов ва бошқалар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан эътибори учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.**

ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

# Эл ортидан юрганнинг орияти бўлади

***Жиззах шаҳридаги «Ҳамзаобод» маҳалласида ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни изчил йўлга қўйиш, осойишталикни таъминлаш баробарида ёшлар билан ишлашда ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, кейинги уч йилда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг кузатилмагани шундан далолатдир.***

**Бек НАЗАР
«Mahalla»**

— Ота-она учун ҳам, маҳалла учун ҳам ёшлар тарбияси, соғлом униб-ўсиши бирдек аҳамиятлидир, — дейди йиғин раиси Неъмат Қобилов. — Жорий йилнинг ўтган даврида доимий иш жойига эга бўлмаган ўн нафар ёш ва уларнинг ота-оналари билан учрашиб суҳбатлашдик ҳамда бандлигини таъминлашга кўмаклашдик.

Хусусан, маҳалладаги ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлардан бири ўзига муносиб иш тополмаётгани сабабли вақтинча ишсиз эди. Йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Лола Раззоқова йигит билан суҳбатлашиб, унинг ички ишлар соҳасида ишлаш истаги борлигини аниқлади. Маслаҳатчи унга бирор жойда ишлаб, жамоат ишларида фаол қатнашиб, ўз қобилиятини намоён қила олса, ички ишлар хизматига ўтиши мумкинлигини, бунда йиғин фаоллари ҳам яқиндан кўмаклашишини тушунтирди. Фаоллар ёрдамида шаҳардаги болалар ихтисослашган спорт мактабида фаолиятини бошлаган бу йигит ишдан бўш вақтида «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузулмаси фаоли сифатида ҳудудда жамоат тартибини сақлашда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Яқинда у маҳалланинг тавсияномаси билан ички ишлар идорасига ишга жойлашди.

Уюшмаган ёшлар билан яккама-якка тартибда ишлашда йиғиннинг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси изчил иш олиб бормоқда. Ўтган йили фуқаролар йиғинларида ўтказилган сайловлардан сўнг қайта тузилган ўн бир кишидан иборат комиссиянинг таркибига тажрибали кишилар қатори ёшлар ҳам киритилгани тузилма фаолиятининг самарадорлигини таъминлаётир.

Ортиқ Шоисоқов раислик қилаётган мазкур комиссиянинг талаба Ҳ.Олимов, нафақадаги О.Тўраев, Т.Рашидов, тадбиркор А.Хидиров, 34-мактабгача таълим муассасаси мудираси Д.Мустафоқулова сингари аъзолари ёшлар ўртасидаги муаммоли масалаларни ҳал этиш, уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Ёшлар тарбиясида маҳаллада миллий қадриятлар, тарихий удумларга таяниб иш олиб боряпмиз, — дейди комиссия раиси Ортиқ Шоисоқов. — Бунда ёшларни маҳалладаги жамоатчилик ишларига, спорт тадбирларига, тўй-маъракаларда иштирок этишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Зеро, элга қўшилиб, кўпнинг назарида юрган йигит-қиз ориятли бўлади, номуносиб ишга қўл урмайди.

Дарҳақиқат, ёшларга оид давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда бундай тарбиявий ёндашув, ўтказилаётган турли маданий-маърифий, спорт мусобақалари ўз самарасини бермоқда. Жумладан, маҳалла ёшларининг учта футбол жамоаси бир неча йиллардан буён шаҳар, вилоят ҳамда республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келаётир.

Бундан ташқари, уйда ўтирган ўн нафардан зиёд қиз маҳаллада янги очилган «Гўзаллик салони», 2 та бичиш-тикиш цехи ҳамда 2 та озиқ-овқат дўконига ишга жойлаштирилди. Шунингдек, йиғин ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Маҳалланинг макнуналари» иқтидорли қизлар клубида 8 нафар чевар қизга тикувчиликдан сабоқ бериляпти.



МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

# Замонавий ва кўркам бино қутлуғ тўйга тўёна




< [1]

«Далварзин» маҳалласи ҳудудида фойдаланишга топширилган, яшаш учун барча қулайликларга эга уч ва тўрт хонали уй-жойлар аҳолига манзур бўлди. Ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини идораси бугунги кун талаблари асосида қад ростлаган. Бинодан раис, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб ҳамда фуқаролар қабули учун махсус жиҳозланган хоналар, шунингдек, милиция таянч пункти маҳалла мутасаддиларининг иш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Йиғин идораси олдида салобат тўкиб турган гузар эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосига мўлжалланган. Унинг икки ёнида барпо этилган мажмуалар таркибидан сартарошхона, кимёвий тозалаш хизмати, дорихона, гўзаллик салони, чеварчилик, қассобхона, озиқ-овқат, хўжалик моллари ҳамда нон дўконлари сингари йигирмага яқин маиший ва сервис хизмати шохобчалари жой олган.

— Янги уйларга кўчиб кираётган хонадон эгалари бундай шарт-шароитдан ғоят миннатдор, — дейди «Далварзин» маҳалласи раиси Тоҳиржон Солиев. — Энг муҳими, маҳалламиз аҳли учун барча имкониятлар яратилган. Рўзғорга нимаики зарур бўлса, аввалгидек шаҳар марказига бориб эмас, шундоққина гузарнинг ўзидан харид қилиш мумкин.

«Далварзин» маҳалласининг бошқа ҳудудлардан фарқли яна бир муҳим жиҳати шундаки, гузар олдида аттракционлар, болалар дам олиш маскани ҳамда футбол майдончаси ёшлар ихтиёрида. 80 сотих майдонда барпо этилган интенсив боғ ҳудуд ободлиги, маҳалла қиёфасига кўрк бағишлаб турибди. Тадбиркор Тожиддин Холдоров саъй-ҳаракати билан бу ерда ҳозир 400 туп олма кўчати кўкка бўй чўзяпти. Дарахтлар келгуси йилдан ҳосилга киради.

Бир сўз билан айтганда, бугун Андижон вилоятида Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, қишлоқларимиз ободлиги, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини амалга оширилаётган хайрли ишлар тасдиқлаб турибди.

МУНОСАБАТ

# Файзиёб кунлардан кўнгиллар масрур

< [1]

Ҳар йили Рамазон ва Қурбон ҳайитлари арафасида ушбу айёмни муносиб тарзда ўтказиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг қарорлари қабул қилинаётгани эса чин маънода юртимиз мўъмин-мусулмонларига байрам кайфиятини бағишлаб, уларни юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга, яратилган шарт-шароитнинг қадрига етиб, шукроналар келтиришга ундайди.

Истиқлол туфайли халқимиз ислом динининг барча арконларини тўла-тўкис ва эмин-эркин адо этиш имконига муяссар бўлди. Озодлик ва ҳурлик нашидаси туфайли ота-боболаримиз орзу қилиб ўтган ҳаж ибодати ва умра зиёратини ҳар йили ўн минглаб юртдошларимиз адо этаётир. Юртимиз ҳожилари учун яратилган имкониятлар бошқа давлат ҳожиларининг ҳавасини келтираётгани рост.

Истиқлол шарофати билан ислом дини равнақига беназир ҳисса қўшган буюк алломалар Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Абдухолиқ Ғиждувоний каби мутафаккирлар мангу қўним топган табаррук қадамжолар обод этилиб, сўлим масканларга айлантирилди. Бугун ушбу қадамжоларга ташриф буюрган юртдошларимиз ва хорижий меҳмонлар ўзлари учун руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмоқда. Ўзбек халқининг қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мероснинг вориси эканини теран ҳис этмоқда.

Халқимиз азалдан бунёдкорлик соҳасида ўзининг бой тарихий қадриятлари, қадим анъаналарига эга. Аждодларимиз томонидан бунёд этилган ва бугунги кунгача етиб келган тарихий иншоотларда қўлланилган меъморчилик услублари ҳамон дунё аҳли ҳайратини ошириб келаётир.

Қарши шаҳридаги Одина масжиди шўролар даврида қамоқхонага айлантирилиб, қанчадан-қанча тарихий обидалар, зиёратгоҳлар хароб ҳолга айланди. Наманган шаҳридаги «Мулла Қирғиз» мадрасаси эса собиқ тузум даврида омборхонага айлантирилгани миллий маънавиятимиз, бебаҳо қадриятларимиз оёқости қилинганига гувоҳ.

Бугун ҳар иккала обида йирик маънавият маскани сифатида халқимиз эъзози ва эътиборида. Биридан зиёратчиларнинг қадами узилмаса, иккинчисида фарзандларимиз миллий қадриятларимиз, диний ва дунёвий билимларни ўрганиш имконига эга бўлмоқдалар.

Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда муборак Рамазон ҳайитини юртимизнинг барча ҳудудларида шоду хуррамлик билан нишонланади. Шу муносабат билан ҳайит намози ўқиладиган барча жоме масжидлар атрофи ободонлаштирилди.

Шундай файзиёб кунларда юртимиздаги ҳар бир маҳалла, овул ва қишлоқда ёлғиз кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, нуронийлар ҳолидан хабар олиш динимиз кўрсатмаларидандир. Шу боис айни пайтда эзгу амаллар кўлами янада кенгайган.

Рамазоннинг файзли кечаларида, нурафшон кунларида, қалбга ором, кўнгилга хотиржамлик олиб кирувчи лаҳзаларда юртимиз мусулмонлари бир тану бир жон бўлиб, Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги янада мустаҳкамланишини Яратгандан сўраб дуо қилишмоқда. Юртдошларимиз ижобати кафолатланган эзгу амал ва хайрли тилакларни йил бўйи давом эттираверадилар.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Лойиҳа марказида ишбилармон аёллар




< [1]

Мазкур лойиҳа Европа Иттифоқининг Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида Милан шаҳрининг Савдо-саноат, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги палатаси қошидаги «Формапер» агентлиги (Италия), Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий инновациялар жамғармаси (Литва), «Аёллар мулоқот ва таълим учун» ассоциацияси (Испания) таркибидаги ҳамкорлар жамоаси томонидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ҳамда бу борада танлаб олинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг салоҳиятини оширишдан иборат. Бу, ўз навбатида, аёллар ва ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларида ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келади.

Таъкидлаш жоизки, «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан ўрин олган мазкур лойиҳа фаолияти Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан танлаб олинган бешта маҳаллада йўлга қўйилади. Уни амалга ошириш учун ҳудудларда маҳаллий ҳокимият, Хотин-қизлар қўмиталари, «Микрокредитбанк» ОАТБ, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, солиқ ва адлия идоралари вакилларидан иборат жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилган.

Лойиҳа давомида иштирокчиларга юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар ҳақида аниқ ва тўлиқ ахборот берилади. Хотин-қизларнинг тадбиркорликка илк қадамларини қўйишга кўмаклашилади. Бундан ташқари, мутахассислар иштирокида тадбиркорлик ва микрокредитлаштириш бўйича ўқув машғулотлар, тақдимотлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилади. Шунингдек, бизнес режани тайёрлаш ва уни микрокредитлаш имкониятлари, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш тартиби, молия ва солиқ масалалари бўйича маслаҳат бериш ҳам кўзда тутилган.

Ахборот ойналари фаолияти доирасида бир йил давомида камида 520 нафар ишсиз аёл ва ёшлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этилади. Улардан камида 120 нафарига бизнес-лойиҳалар ишлаб чиқиш, кам фоизли микрокредитлар олишга кўмаклашилади. Ушбу жараённи амалга ошириш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Микрокредитбанк» ОАТБ ўртасида ҳамкорлик меморандуми ва тегишли шартнома имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# Битирувчи иш бошлади

***Юртимиз келажагини фарзандларимизга берилаётган тарбия белгилайди. Шу боис Юртбошимиз ва ҳукуматимиз ҳамиша ёш авлоднинг имон-эътиқодли, жисмонан соғлом ва маънан етук, касб-ҳунарли, бир сўз билан айтганда, баркамол бўлиб вояга етиши учун ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.***

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**



Айни пайтда Ўзбекистон ёшларига яратилган шарт-шароитни дунё ҳамжамияти эътироф этаётгани ҳам шундан. Айниқса, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўн икки йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилгани ва шу орқали эришилаётган ютуқлар халқаро экспертларнинг эътиборини тортмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ишсизлик энг долзарб муаммога айланган, жаҳон иқтисодий инқирози оқибатида машҳур ва йирик саноат корхоналари фаолияти тўхтаб қолган бир шароитда юртимизда янгидан-янги ишлаб чиқариш объектлари барпо этилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланмоқда.

— Фуқаролар йиғинлари жамоатчилик назорати асосида коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланишини таҳлил қилиш, муаммоларни бевосита ҳал этиш ваколатига эга, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Кармана тумани бўлинмаси бош мутахассиси Зебо Очилова. — Албатта, бу ўз самарасини беряпти. Чунки маҳалла фаоллари ҳудуддаги ҳар бир оилани, унда улғаяётган фарзандларни яхши билади. Фаоллар аралашуви билан ўқишни ташлаб, чет элга ишлагани кетган ёшлар ортга қайтарилгани, улар коллежни тамомлаб, соҳаси бўйича ишга жойлашаётгани фуқаролар йиғинининг таъсири ортиб бораётгани исботидир.

Фарҳод Эгамов Навоий саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида таҳсил оларди. У 3-босқичга ўтганда ўқишни ташлаб, хорижга ишга отланди. Коллеж маъмурияти бундан хабар топиб, боланинг ота-онаси билан суҳбатлашди. Афсуски, ўқитувчиларнинг тушунтиришига қарамай, ота-она мажбурий таълим борасидаги масъулиятини ҳис қилмади ва Фарҳодни қайтариш чорасини кўрмади. Фарҳод яшайдиган Кармана туманидаги Жалойир қишлоқ фуқаролар йиғини «Арабхона» маҳалласи фаоллари мурожаати асосида ота-она маъмурий жавобгарликка тортилгач, муаммо ҳал бўлди. Фарҳод яқинда диплом олиб, Навоий иссиқлик электростанциясига ишга жойлашди.

— Яхшиям ўз вақтида қайтиб, ўқишимни давом эттирибман, мана, ишга осонгина жойлашдим. Корхонада амалиёт ўтаганим учун жамоа менга жуда яқин, — дейди у мамнун бўлиб.

Кармана туманидаги «Кўҳна қўрғон» маҳалласида яшовчи 23 нафар ўғил-қиз ҳам жорий йилда касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни битирди. Шундан 7 нафари таҳсилни давом эттириш мақсадида олий ўқув юртларига ҳужжат топширди, 3 нафари эса банкдан кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди.

— Ўн уч нафар битирувчи аллақачон ишга жойлашди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Ражабова. — Мазкур жараённи назорат қилиш билан бирга, 9-синфларни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга жалб қилиш масаласи ҳам доимий эътиборимизда. Айниқса, қиз болаларнинг ўқиши ва ҳунар ўрганишига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жумладан, эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. 9-синфни битирган қизи бор ҳар бир хонадонга кириб, ҳам қизлар, ҳам уларнинг ота-оналари билан юзма-юз гаплашдик. Оила бошлиқлари қизлари коллежни тамомламагунича турмушга узатмаслигини айтишди.

Манзура опанинг таъкидлашича, ота-оналар ўн икки йиллик таълим моҳиятини чуқур англаб етишмоқда. Эндиликда фарзанди касб-корли бўлишини, диплом олиб ишга жойлашишини истовчи оилалар кўпайган.

— Тан олиш керак, битирувчини ишга жойлаштириш борасида сохта ҳужжатлар ҳам учрайди, — дейди М.Ражабова. — Шу боис бугунги кунда уларнинг ишга тайинлангани тўғрисидаги буйруқ нусхасини олиб, унинг номига очилган меҳнат ҳамда пенсия жамғармаси дафтарчаларининг рақамларини махсус китобга қайд этяпмиз. Айтиш лозимки, баъзи раҳбарларга маҳалла идорасининг бундай ҳужжатларни талаб қилиши ёқмайди. Бироқ жамоатчилик назорати олиб бориш ваколатига эга институт ушбу ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

Мухтасар айтганда, жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролар йиғинларининг, улар ҳузурида асосий йўналишлар бўйича комиссияларнинг хизмати катта. Айни пайтда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси асосий йўналишлар бўйича комиссиялар, жумладан, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар фаолиятини жонлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида турли тадбирлар, учрашувлар ташкил этмоқда.

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

# «Олвализор»да оилавий тадбиркорлар кўп

< [1]

— Бу марказга маҳалламизнинг тажрибали тадбиркорларидан бири — «АЮ-лидер» ишлаб чиқариш корхонаси етакчиси Аюбхон Абдуваҳобов раҳбарлик қилмоқда, — дейди «Олвализор» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Саодат Нуриддинова. — Марказ учун йиғин биносидан алоҳида хона ажратиб, керакли тарғибот воситалари ва ҳуқуқий-услубий қўлланмалар билан таъминладик. Марказ аъзолари ҳафтада икки кун йиғилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги маҳалладошларимиз билан суҳбатлашмоқдалар. Уларга йўл-йўриқ бериб, ўзларининг маслаҳат ва тавсиялари билан қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳатто тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам бош-қош бўляптилар. Натижада ҳозирги кунда тадбиркорликка қизиқувчилар сони ортиб боряпти.

Таъкидлаш жоизки, «Олвализор»да оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Бунда, шубҳасиз, 7 нафар аъзони ўзида бирлаштирган маслаҳат марказининг алоҳида ўрни бор. Зеро, бу борадаги тажрибаларни оммалаштириш мақсадида республика семинарининг айнан мазкур маҳаллада ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

— Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари маслаҳат маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича тўплаган тажрибамизни ўрганиб, маъқулладилар, — дейди йиғин раиси Убайдулла Камолов. — Меҳмонлар маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган 34 та хусусий корхонада бўлиб, ўндан ортиқ оилавий ва йигирмага яқин кичик тадбиркорлик субъектлари иши билан танишдилар. Тадбиркорларимиз эришаётган ютуқларда, албатта, маслаҳат марказининг ҳиссаси катта.

Дарҳақиқат, «Олвализор» маҳалласи Наманган шаҳридаги ибратли масканлардан. Тизим олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан адо этаётган йиғин ходимлари яқинда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг шаҳар босқичида ғолиб, деб топилгани фикримизнинг яққол далилидир.



ЧОРВАЧИЛИК — СЕРДАРОМАД СОҲА

# Тўғри парвариш фойда салмоғини оширади

***Етти хазинанинг бири ҳисобланган чорвачилик Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли, Мўйноқ, Қўнғирот, Қораўзак, Тўрткўл туманларида кенг ривож топган. Катта ер майдонлари, серўт яйловлар аҳолининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда беқиёс имкониятлар манбаидир.***

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Кегайли тумани Кусханатау овули аҳолиси чорвачиликда бой тажриба орттирган. Уларнинг таъкидлашича, мавсумий ўзгаришларни инобатга олиб қорамолларни тўғри парваришлаш жониворларни турли касалликлардан асрайди, молларнинг сони ортишига олиб келади.

— Ҳудудимиздаги 660 та оила, асосан, чорвачиликдан наф кўради, — дейди Кусханатау овул фуқаролар йиғини раиси Шарибай Бердақов. — Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашда чорвачилик соҳаси қўл келаётир. Шуни унутмаслик жоизки, чорвачиликда айрим омилларни ҳисобга олмаслик турли нохушликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, қорамолларнинг бош сонини кўпайтириш, уларни турли юқумли касалликлардан асраш доимий эътибор талаб этади. Ушбу масала йиғин фаолларининг диққат марказида. Ўтган олти ой давомида овулда боқилаётган қорамолларда юқумли касалликлар учрамади.

Айни дамларда чорвадорлар қиш мавсумига катта тайёргарлик кўришяпти. Ем-хашак захиралари тайёрланмоқда. Овул фаолларининг ушбу ишлардаги жонбозлиги туфайли 16 миллион сўмдан зиёд зарарнинг олди олинди. Бунда тажрибали зооветеринарлар, врачлар яқиндан ёрдам берди.

Яқинда ташкиллаштирган тадбиримизда туман санитария-эпидемиология назорат маркази, ветеринария бўлими, даволаш-профилактика муассасалари мутахассислари ва туман ички ишлар бўлими ходимлари аҳолини юқумли касалликларнинг олдини олишга чорлаб, уларга зарур кўрсатма ва маълумотлар беришди.

Чорвачилик — кони хазина. Гўшт, сут маҳсулотлари, жун ва чармнинг асосий қисми айнан шу сердаромад соҳа ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида бу маҳсулотларнинг ўз ўрни бор. Шу боис биз сўз юритаётган мавзу доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ДСЭНМ билан Фонд бўлими бошқаруви ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Овул ва маҳаллаларда куйдирги касаллиги этиологияси, эпидемиологияси, клиникаси, қиёсий ташхислаш даври, даволаш усуллари ва профилактикаси бўйича семинар-йиғилишлар ўтказилаётир. Бу, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш билан бирга саломатликни, атроф-муҳит мусаффолигини асраб-авайлашга ҳам хизмат қилади.

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ

# Очиқ осмон остидаги музейга ташриф

***Хоразм воҳаси ва унинг кўҳна шаҳри — Хива истиқлол йилларида улкан бунёдкорлик, яратувчанликка юз тутди. Бугун бу заминнинг қай гўшасига борманг, кўтаринки кайфият билан меҳнат қилаётган фидойиларни учратасиз. Боиси мустақиллик барча юртдошларимиз қатори хоразмликларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартирди.***

**Мухбиримиз.**



Шаҳар ва қишлоқлар, маҳаллалар янада обод бўлаётир. Ўзгаришларни кўриб кўз қувнайди, кўнгил яйрайди. Вилоятда қад ростлаётган маданий-маърифий, маиший, савдо, саноат иншоотлари воҳа чиройига чирой қўшмоқда. Ҳавас қилса арзигулик замонавий уй-жой, маҳалла марказлари барпо этилаётир.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихий ёдгорлик ва зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод онгида Ватанга муҳаббат, ўз тарихидан фахрланиш, истиқлол неъматларини асраб-авайлаш туйғуларини шакллантиришдек эзгу мақсадлар йўлида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Беруний тумани бўлинмаси ўз маблағи ҳисобидан тумандаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар ва уларнинг фарзандлари учун Хивага саёҳат уюштирди.

— Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбир ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилди, — дейди «Бўстон» маҳалласи раиси Эгамберган Ўрозалиев. — Муқаддас қадамжоларга зиёрат ёшларимиз тафаккурини юксалтириш, улар қалбида буюк аждодлар вориси эканидан ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиш мақсадида ташкил этилди.

Бўстонликлар очиқ осмон остидаги тарихий-меъморий музей номини олган Ичанқалъани зиёрат қилишди. Шунингдек, Ота Дарвоза, Кўҳна Арк, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Калта Минор, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минораси каби 20 дан ортиқ тарихий-меъморий ёдгорликларини томоша қилишди.

Улар тарихий жойларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш баробарида воҳада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Бу каби тадбирлар йил бўйи давом этади.

СИРДАРЁ ТОМОНЛАРДА

# Байрамга қизғин ҳозирлик

***Республика Маънавият тарғибот маркази «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним» мавзусида ўқув-семинар ташкил этди.***

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ**
**«Mahalla»**

Унда Фонднинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, касб-ҳунар коллежлари директорлари, «Нуроний» жамғармаси вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда энг улуғ, энг азиз байрамга қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда маънавий-маърифий, тарғибот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, «Ким эдигу, ким бўлдик?!» деган ҳаётий ҳақиқатни бош ғоя сифатида юртимиз аҳолисига етказиш, мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказиш бўйича таклифлар билдирилди.

# Фуқаролар йиғини янги бинода

***Гулистон шаҳридаги Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини биноси мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида капитал таъмирланди. Ушбу мақсадларга Фонднинг вилоят бўлими ҳамда шаҳар бўлинмаси томонидан жами 20 миллион сўм маблағ сарфланди.***

— Шаҳримиздаги 17 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан 3 таси қишлоқ, 14 таси маҳалла фуқаролар йиғини, — дейди Фонднинг Гулистон шаҳар бўлинмаси раиси Рустам Бектемиров. — Уларнинг ҳар томонлама самарали фаолият юритишини таъминлашни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Бугунги кунгача Фонднинг шаҳар бўлинмаси кўмагида ҳудуддаги 6 та маҳаллага 6 миллион 500 минг сўмлик компьютер жамланмалари, 4 тасига 2 миллион 600 минг сўмлик мебель жиҳозлари олиб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳомийлар ҳисобидан 6 та маҳалланинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

# Маънавият тарғиботидаги фаоллар баҳси

***Сирдарё вилоятида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» танловининг туман ва шаҳар босқичлари ниҳоясига етди.***

— Танловнинг қуйи босқичи қишлоқ фуқаролар йиғинлари таркибидаги маҳаллалар ўртасида ўтказилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Рустам Омонов. — Уларда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларидан ташқари, ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, ҳуқуқшунослар, фаол хотин-қизлар, отинойилар иштирок этишди. Танлов давомида иштирокчиларнинг нотиқлик маҳорати, ўз соҳасига доир вазифаларни ҳаётий мисоллар орқали кенг очиб беришларига эътибор қаратилди.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида жами 1330 нафар маънавият тарғиботчиси қатнашди.